O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 23 март, № 57 (4210) Жума

Яхши йил — Наврўзидан

маълум деганларидек, қадимий байрамимизнинг бу йил янада хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланаётганига юртдошларимиз гувоҳ бўлиб туришибди



АҲИЛ ЭЛГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Гўзал Ватанимизда, унинг узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларида, маҳалла гузарларида, корхона ва ўқув юртларида — барча гўшаларда Наврўз нашъу намоси кезиб юрибди. Боқий байрам ҳар бир қалбга, хонадонга шодлик, файзу баракат олиб келган бўлсин!

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Наврўзга бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимиздаги миллий-маданий марказлар, жамоат ташкилотлари ва хорижий дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Меҳр-мурувват, яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўз умумхалқ байрами сифатида бу йил ҳам мамлакатимизда катта кўтаринкилик билан нишонланаётир. Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, халқимизга мансуб фазилатлар, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва ўзаро ҳурмат каби олижаноб қадриятлар одамларимизнинг онгу тафаккурида мустаҳкамланиб, уларнинг эртанги кунга ишончи тобора кучайиб бораётгани жамиятимизнинг бугунги сиёсий-ижтимоий муҳитини ифода этади. Айнан мана шундай маънавий иқлим мамлакатимизда қўлга киритилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган ютуқ ва марраларга эришишда, эркин ҳаёт ва демократик жамият қуришда кучли замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бугунги кунда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилаётир. Юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг миллий урф-одатлари, анъаналарини асраб-авайлаш, янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Республика Байналмилал маданият маркази ўзининг ўн беш йиллик фаолияти давомида юртимизда аҳиллик ва осойишталик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирилган ташаббуслар, ранг-баранг тадбирлар, лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Шу кунларда марказ томонидан юртимизнинг турли жойларида Наврўзга атаб кўплаб дўстлик фестиволлари, сайллар, бахши ва оқинлар айтишувлари, бадиий кўргазма ва концертлар ташкил этилмоқда. Буларнинг бари мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг асосий омилларидан бўлмиш миллатлараро дўстлик, тотувликни асраб-авайлаш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Тадбирда юртимизда фаолият кўрсатаётган миллий-маданий марказлар ўзининг бетакрор ва ранг-баранг мусиқий дастурларини намойиш этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов, Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Темур ҚУРБОНБОЕВ
олган суратлар.

Олам табассуми унда мужассам

Табиат атрофга яшиллик сепини ёйган, борлиқдаги наҳорий тиниқлик, баҳорий илиқлик ҳар бир хонадонга, ҳар бир қалбга қувонч бахш этган паллада юртимизга Наврўзи олам кириб келди. Бу воқеа муносабати билан давлатимиз раҳбарининг қутловида халқига самимий меҳри, ҳурмат ва эҳтироми ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Нигоҳ

Кўнглида эзгу ва некбин ниятларни жойлаган, жонажон Ватан равнақини дил-дилдан истаган ҳар бир юртдошимиз шу табрик орқали Президент меҳрига сазовор бўлди. Бу туйғу байрам шукуҳини янада баланд пардаларга кўтаради.

Ҳаёт ҳақиқати шундан иборатки, ким пок ният билан Яратгандан сўраса, албатта, дуолар ижобат бўлади. Йўлбошчимиз ушбу табрик сўзларида ҳаммамизнинг тилагимизни айтдилар: ҳар бир хонадонга файзу барака, бахту саодат беришини, дастурхонимизни тўкин, ризқимизни бутун қилишини сўрадилар.

Табиийки, ҳар қандай мақсадга эришиш учун муайян шароит керак. Хўш, юқоридаги истаклар бажо бўлиши учун нималар талаб қилинади? Назаримизда, юртда файзу барака, инсонлар турмушида бахтиёрлик бўлиши учун, энг аввало, тинчлик, осойишталик барқарор бўлиши лозим. Бу борада Конституциямиз гаранти — Ўзбекистон Республикаси Президентининг фидойилигини, минтақамизда тинчлик ўрнатиш йўлидаги ташаббусларини бутун жаҳон эътироф этмоқда. Ватанимиз юраги — Тошкент исломи маданияти пойтахти деб баҳоланишида ҳам биринчи мезон юртимиздаги тинч, барқарор ҳаёт эътиборга олинган, албатта.

Эрта тонгда хотиржам уйғониб Яратгандан тинчлик, омонлик сўрайдиган халқимиз бор. Ҳамюртларимиз бир-бирларига пешвоз чиққанларида ҳам, энг аввало «Ассаломуалайкум» дея ўзаро яхши ниятларини изҳор қилишади. Бошқача қилиб айтганда, Ер юзининг аллақайси бурчакларида ёввойилик, биқиқлик фалсафаси — эгоцентризм томир ёйган бир паллада бизнинг обод ва озод диёримизда ўзаро ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат, кўпчиликка таяниш юксак қадрият сифатида эъзоз топмоқда. Аҳиллик бор жойда эса ҳамиша файзу барака бўлади.

Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати туфайли мамлакатимизда меҳр-мурувват, муҳтожларга кўмак бериш муҳити яратилган. Айнан Наврўз арафасида Президентимиз «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга имзо чекдилар. Бу Юртбошимиз ўзлари юритаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг бардавомлигини кўрсатувчи навбатдаги амалий қадамдир. Қаранг, давлат бюджетидаги умумий харажатларининг 55 фоизи ижтимоий мақсадлар учун ажратиляпти. Шунчалик элпарвар, мурувватли ва меҳрибон давлат яна қаерда бор?!

Одамларимиз табиатидаги меҳр-оқибат, ўзаро ёрдам, бир-бирининг кунига яраш хислатларини рақамларда ифодалаб бўлмайди, албатта. Наврўз муносабати билан янграган табрикни тинглаганда ҳар бир фуқаро ўзига «Тўхта, мен кимнинг кўнглини, дуосини олдим?» деб савол бериши табиий ҳол бўлиши керак. Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашни дилига туккан юртдошларимиз ён қўшниси, яқин биродари эътиборсиз қолишига йўл қўймайди. Ҳамма бирдай шоду хуррам бўлиши, эртанги кунга ишончи ортиб бориши шу қутлуғ айёмнинг асосий аломатларидандир.

Гўзал пойтахтимизнинг Миллий боғидаги Наврўз тантаналари, шодиёналик онгу шуурримизда муҳрланиб қолди. Гўзал қизларимиз безанган миллий либослар камалакнинг етти рангидек ажиб товланади. Булбуллар хонишига ҳамоҳанг мусиқа садолари кўнгилларни қитиқлайди. Гўё олам табассуми шу ерда мужассам. Айтингчи, қувончингиз чўққисига чиққанда руҳий ҳолатни қандай ифодалаш мумкин? Тўғри, ўйнаб юборгингиз келади. Вужудингиздаги, сийратингиздаги кўтаринкилик рақсда намоён бўлади.

Шундай кунларимизга асло кўз тегмасин!

Қорақалпоғистон Республикаси

Бу йилги Наврўз тантаналари кўҳна ва навқирон Тўрткўл заминидан бошланди. 20 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳда эртадан-кечгача шодиёна давом этди.

Улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Берунийнинг киндик қони томган эл — Беруний туманида чапдаст полвонлар олишуви, қўчқор уриштириш мусобақалари байрамга ўзгача мазмун бахш этди.

Қўнғиротда тикилган ўтовларда элга меҳнати сингган отахон ва онахонларга тўн, яктак ва бошқа совға-саломлар тортиқ қилинди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар йўқланди.

Тантаналар мамлакатимизнинг энг ёш шаҳарчаси Элобод, олис Мўйноқ, Тахтакўпир, Кегайли, Хўжайли, деҳқончиликда мактаб яратган Амударё, тоборо чирой очиб бораётган Элликқалъа, чин миришкорлар маскани Чимбой, Қангликўлу Қораўзак, Ақмангиту Шўманай, нурчилар шаҳри Тахиатошдан ўтиб Нукусдаги амфитеатрда давом этди.

Андижон

— Халқимизнинг байрамлари кўп. Байрамларга уланиб кетадиган шодиёналари кўп, — дея қувончини ифодалайди Бўз туманидаги 26-иқтидорли болалар мактаб интернати директори Галина Тимофеевна Цой. — Қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўз миллатимиздан қатъи назар, ҳаммамизни битта дастурхон атрофига жамлаб бошимизни қовуштириши, бир-биримизни йўқлаб, меҳр-оқибат кўрсатишга ундаши, янгиланиш, ёшариш, покланишни бошлаб бериши билан бошқа байрамлардан фарқ қилади.

(Давоми 2-бетда).

22 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси У.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги 222-II-сонли Қарорининг биринчи иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Қонунни қабул қилдилар.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси С.Азизов маъруза қилди. Депутатлар қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини батафсил кўриб чиқиб, муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказилганидан кейин қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқишга қайтиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А.Козлов томонидан тақдим этилган "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатлар ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси жараёнида уни янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар киритдилар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлиси 27 март куни давом этади.

(ЎзА).

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик, Фидокорлар миллий демократик, «Адолат» социал демократик партиялари фракция йиғилишлари бўлиб ўтди.

Фракциялар йиғилиши

Йиғилишларда «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 125-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари (биринчи ўқиш) муҳокама этилди.

«Адолат» СДП ва Фидокорлар МДП фракцияларида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, ЎзХДП фракцияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этдилар. Мазкур йиғилиш кун тартибидан қуйи палата мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида» 222-II сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам жой олди.

Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан фракциялар нуқтаи назари белгиланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Бугун пойтахтимиздаги "Ўзқўргазмасавдо" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган "Ташаббус-2007" кўрик-танловининг республика якуний босқичи бошланди.

Tashabbus-2007

Эъзоз, эътироф ва рағбат оғушида

Таъкидлаш жоизки, ўтган 11 йил мобайнида кўрик-танловда 100 мингдан зиёд қатнашчи иштирок этди. Бу эса, мамлакатимизда тадбиркорлик ғоясини оммалаштириш, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, хусусий секторнинг иқтисодиётдаги улушини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, иштирокчиларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари ошиб бораётганлиги ҳамда замонавий технология асосида барпо этилаётган корхоналар, улар томонидан кўрсатилаётган турли хизматлар таҳсинга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлиси олдидан



Ер юзида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири — йод етишмаслиги хасталигидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, дунё аҳолисининг бир ярим миллиардга яқини йод танқислигидан азият чекмоқда. Бу муаммо мамлакатимиз аҳолиси учун ҳам долзарбдир.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ушбу муаммони бартараф этиш борасида қатор амалий ишлар қилинаяпти. Айниқса, бу масаланинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокамаси ҳам киритилган.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Зокиржон ЗУННУНОВ ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

миллатнинг интеллектуал салоҳиятини оширади

— Йод — ҳаёт учун зарур микроэлемент ҳисобланади, — дея гап бошлади З.Зуннунов. — Унинг етишмаслиги натижасида ер юзида саккиз юз миллион аҳоли қалқонсимон без хасталиги билан касалланган. Улардан қирқ беш миллион нафарининг ақли заифдир.

Таъкидлаш лозимки, йоднинг етишмаслиги сабабли аёлларда репродуктив фаолият бузилиши, чақалоқлар туғма нуқсон билан туғилиши мумкин. Дарҳақиқат, йод ёш болалар, ўсмирларнинг соғлом ўсишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Йод танқислиги аҳолининг интеллектуал қобилиятига салбий таъсир кўрсатади, бу эса фуқароларнинг касбий ва билим салоҳиятининг сезиларли пасайишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Мамлакатимиз ҳукумати халқаро ташкилотлар билан биргаликда 1998 йилдан бошлаб йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, йодланган туз ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланди. Тузни қайта ишлайдиган қатор корхоналар янги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Йодлашнинг сифати устидан назорат кучайтирилди. Аммо, қўлланилаётган чора-тадбирлар етарли даражада самара бераяпти, деб бўлмайди.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу муаммони ҳал этиш учун ош тузини йодлаш мажбуриятлари бўйича қонун қабул қилиш зарур.

Шу боис, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг асосий мақсади — мамлакатимизда йод етишмаслигини бартараф этиш ҳамда унинг танқислиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар профилактикасини йўлга қўйишни назарда тутади.

Қонун йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий ва ташкилий тизимларни белгилаб беради. Яна унда ош тузини мажбурий йодлаш масаласи ҳам кўзда тутилган. Чунки жаҳон тажрибаси йод етишмаслигини камайтиришнинг энг самарали усули — бу ош тузининг ялпи йодлаш эканини кўрсатмоқда.

Ош тузини ҳамма истеъмол қилади. Шу билан бирга, туз ишлаб чиқариш корхоналарини назорат қилиш мумкин. Яна йодлаш жараёни катта сармояни талаб қилмайди ҳамда йодловчи моддалар тузнинг сифатига таъсир этмайди, нархини ҳам оширмайди.

Йодлаш харажатлари бир кишига йилига 0,02-0,06 АҚШ долларини ташкил этади. Қиёслаш учун: беморни бир кун даволаш учун 9-20 АҚШ доллари харажат қилинади.

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни беш боб ва 25 та моддадан иборат. Мазкур қонунда йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича йўналишлар белгиланган. Шунингдек, ушбу ҳуқуқий ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси соҳасидаги ваколатлари ўз аксини топган.

Яна ушбу қонунда йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш давлат стандартлари, қоидалари, нормалари талабларига қатъий амалга қилиш зарурлиги ҳамда бошқа талаблар қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни аҳолини йод етишмаслиги касалликларидан муҳофаза қилиш ҳамда миллатнинг интеллектуал салоҳиятини янада оширишга қаратилган.

Салим ДОНИЁРОВ ёзиб олди.

Эъзоз, эътироф ва рағбат оғушида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозирга келиб, назорат қилувчи органларнинг бизнесга аралашуви кескин камайди, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди, солиқ юки пасайтирилди, микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан тадбиркорларга кредит беришнинг янги шакллари жорий этилди. Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони бугунга келиб 350 мингтага етди. Уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этиб, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоиздан ортиғи ушбу секторда фаолият кўрсатмоқда.

Кўрик-танловнинг ташкилий қўмитаси вазирлик ва идоралар, йирик саноат корхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат. Анъанага кўра, республика Савдо-саноат палатаси унинг асосий ташкилотчисидир. Шунингдек, кўрик-танлов Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси, Давлат мулкини бошқариш қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси ва бошқа вазирлик ҳамда идораларнинг ҳамкорлиги, молиявий кўмаги остида ташкил этилди.

"Ташаббус-2007" кўрик-танловининг ғолиблари ҳар йилгидек, "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер" ва "Энг яхши ҳунарманд" асосий номинациялар бўйича аниқланади. Бундан ташқари, "Энг яхши экспорт қилган кичик корхона", "Энг яхши экспорт қилган йирик корхона", "Самарали корпоратив бошқарувни ташкил этган энг яхши хўжалик жамияти" махсус номинацияси, шунингдек, "Энг мурувватли тадбиркор", "Экологик тоза технологиялар учун", "Энг яхши пахтакор фермер" "Энг яхши ғаллакор фермер" ва "Қишлоқларда турмуш маданиятини яхшилашдаги хизматлари учун" каби янги йўналишлар ҳам жорий этилди.

Кўрик-танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими эртага "Туркистон" саройида бўлиб ўтади.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Яхши йил — Наврўзидан



(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу юртда униб-ўсганим учун илгарилари Наврўзнинг қандай нишонлангани хотирамга муҳрланиб қолган. Маҳалламиз аёллари хадик билан сумалак пиширарди. Кўк сомса ёпилиб, енг учида қўни-қўшниларга тарқатиларди. Энди-чи? Қаерга борманг сайиллар, тантаналар устидан чиқасиз. Карнай-сурнайлар, ноғоралар наъраси тинмайди. Болажонларнинг шодлигига олам торлик қилаётгандай.

— Ёшим саксонга яқинлашиб қолди, — қиров бойлаган соқолини силаб, кўз ойнагини тўғрилаб олади Избоскан туманининг Ботиробод қишлоғида истиқомат қилувчи Эргашбой ота Мирзаев. — Шукр, баҳор байрамларидан жуда кўпини кўриш насиб этди. Аммо мен сизга айтсам, кейингилари бошқача-да. Аҳиллик, тотувлик, меҳр-мурувват дояси бўлган удумимиз нишонланаётган кунлари шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободонлашаётгани, янги иншоотларнинг халқ хизматига топширилаётганини кўриб, танамга сиғмай кетаман. Байрам мана энди байрамга ўхшаяпти.

Ҳа, Наврўз саховат байрами. Наврўз бунёдкорлик, яратувчилик айёми. Хонободдаги «Уз код Жи» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси жамоаси баҳор байрамини асакалик автомобилсозларга яқин икки миллион АҚШ доллари миқдорида электр ўтказгичлар тайёрлаб бериш билан кутиб олди. Ўзида 106 нафар ишчи-хизматчини жамлаган Андижон ГЭС корхонаси ГЭСнинг иккинчи навбати қурилишини бошлаб юборди. «Ўзтрансгаз» Хўжаобод тумани бўлинмаси ипакчилик хўжалиги ўрамида 3,3 километрга газ қувури тортиб, шу ерда яшовчиларнинг хонадонига «зангори олов» олиб кирди. Умумхалқ байрами шарофати билан вилоятдаги эҳтиёжманд оилаларга 39.702 минг сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Энг катта байрам тантанаси вилоят марказидаги маҳобатли амфитеатрда бўлиб ўтди. Театрлаштирилган томошалар, санъаткорларнинг чиқишлари кўнгиллар тўридан жой олди. Боғишамол дам олиш маскани, Чўлпон боғи, Болалар боғи сингари гўшаларда элга ош тортилди. Мўътабар қариялар юртимизнинг тинч ва осойишталигига шукроналар келтириб, дуога қўл очдилар.

Бухоро

Жондорлик Қандолат буви ва Орзу бобо Ҳайдаров, Яраш буви ва Мансур бобо Низомовнинг олтин тўйлари Сепатта қишлоғида ўтган Наврўз тантаналарига уланиб кетди. Бу ерда табаррук отахону онахонлар ва кам таъминланган оилалар вакилларига атаб байрам дастурхони ёзилди. Муҳтож оилалар фарзандларига кийим-кечак тарқатилди. Ушбу шодиёна маҳалла қадриятлар ва эзгуликлар бешиги эканини яна бир бор исботлади.

Бухоро вилоятининг барча шаҳар ва туманларида, маҳаллаларида Наврўз тантаналари ана шундай кўтаринки руҳда ўтмоқда. Шодиёналар дастуридан спорт мусобақалари, халқ ўйинлари, турли тадбирлар кенг ўрин олган. Бухоро шаҳридаги 18-маҳаллада ўтган "Ибратли оила" танлови миллий анъаналаримизнинг ўзига хос жиҳатларини намоён этган бўлса, қатор маҳаллаларда "Обод хонадон", "Кўркам кўча" танловлари ғолиблари тақдирланди.

Наврўз кунлари барча маҳаллаларда ижтимоий ҳимоя ва хайрия масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, салкам 2 минг 850 ёлғиз қария ва ногироннинг уйи ҳашар йўли билан таъмирланди, муҳтожларга ҳомийлар томонидан 100 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди.

Жиззах

Вилоят туманларида бошланган Наврўз тантаналари Жиззах шаҳрида давом этди.

Мустақиллик майдонининг улкан саҳнасида пайдо бўлган жарчи йигит барчани сайилга чорлади. Қадимда наврўз сайлидан чиқибоқ, ота-боболаримиз ерга уруғ сочиб, деҳқончиликни бошлашган. Анъанага содиқ қолиб «дала»га қўш ҳайдаб чиққан Деҳқонбобо «Баҳорги ҳаракат — кузги баракат», дея барчани дала юмушларига даъват этди. Ҳўкиз шохини мойлаб, ер ҳайдашга тушди. Унинг «Юртимизга келган бу йилги баҳор қут-баракали, серёмғир, серқуёш бўлсин!» деб қилган дуосини минглаб жиззахликлар гулдурос қарсаклар билан олқишлашди...

Меҳмон ва мезбонларнинг табриклари маҳаллий ҳамда Тошкентдан ташриф буюрган санъат усталарининг куй-қўшиқлари, рақсларига уланиб кетди.

— Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи қалбимиз тўридан жой олди, — дейди Жиззах туманидаги «Қуёшсевар Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов. — Она заминимиз эр қадрини билган, уни эъзозлаганлар меҳрига меҳр билан жавоб қайтаради.

Йил боши тантаналари шаҳарнинг «Ором» фавворасида, «Истиқлол» болалар боғида, «Боғишамол» дам олиш мажмуида ва «Форум» томошагоҳларида ҳам бўлиб ўтди. Бири-бирини такрорламайдиган — «Наврўз янгиланиш, яшариш айёми!», «Ассалом, Наврўз!», «Салом, Баҳор!», «Хуш келдинг, Наврўз», «Юртимда — Баҳор» каби сценарийлар оммавий сайилга чиққанларга хуш кайфият бағишлади. Уларнинг мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришлари, ўйнаб-кулишлари учун қулай шароитлар яратди.

«Ижтимоий ҳимоя йили»да нишонланаётган Наврўз айёминнинг ҳар бир кўча, ҳар бир хонадонга кириб бораётгани қадимий байрамимизнинг нечоғли ҳаётийлигини кўрсатиб турибди...

Навоий

Навоий кон-металлургия комбинатининг кўкаламзорлаштириш бўлими Навоий шаҳрини ободонлаштириш, боғу-бўстонга айлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Бу ерда 450 гектар ерда юз хилдан ортиқ анвойи гуллар ва йигирма хил дарахт кўчатлари етиштирилади. Қарийб бир гектар майдондаги учта иссиқхонада қишин-ёзин турфа гуллар парвариш қилинади.

Бугунги кунда қалқонгул, амарилис, аспарагус, каланхой, Хитой атиргули, петуния, сальвия каби гуллар, терак, қарағай, арча, сарв сингари дарахт кўчатларига талаб ортиб бораётир.

— Бундай кўчатлар Зарафшон, Зафаробод, Нуробод, Учқудуқ шаҳарларига ҳам етказиб берилаётир, — дейди бўлим бошлиғи Вафоқул Худойбердиев. — Яқинда Навоий шаҳрининг ўзида 20 минг туп манзарали кўчатлар ўтказдик. Четдан келтирилган гул ва дарахт ниҳолларини шу ернинг ўзида кўпайтиряпмиз. Айни пайтгача 500 минг тупдан ортиқ кўчат буюртмачиларга етказиб берилди.

Наманган

Кўклам нафаси уфуриши билан авж олган Наврўз тантаналари бугун хонадондан маҳаллага, қишлоқдан шаҳарга кўчиб, юракларда садо бермоқда. Унинг шукуҳи айни паллада Наманган аҳли қалбини ҳам тўла эгаллаган. Президентимиз табригида «Яхши одам — кўзидан, яхши йил — Наврўзидан» деган қанотбахш сўз янгради. Ҳақиқатан ҳам, шу шодиёна кунлари хосиятли ишлар содир бўлмоқда. Ўтган куни Тошбулоқ шаҳарчасида Наманган тумани аҳли янгиланиш айёмини кенг нишонлади. Кеча эса вилоят марказида бир қатор байрам иншоотлари фойдаланишга топширилди. Улардан бири — Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтининг академик лицейи биноси шаҳар хуснига узукка қўйилган кўздай ярашиб тушган. Етти юздан ортиқ иқтидорли йигит-қиз таҳсил оладиган замонавий билимлар кошонасини барпо этиш учун 2,1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Шаҳар ёнгинасидаги собиқ «Зарбдор» ширкат хўжалиги идора биноси ўрнида фаолият бошлаган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътибордан нишона.

Наврўз тадбирлари жуда-жуда кенг. Байрамолди оқшоми «Ёшлар спорт мажмуаси» томошагоҳидаги театрлаштирилган дастур билан ўзгача мазмун касб этди. Тадбирлар вилоят марказидаги Бобур ва Машраб номли истироҳат боғларига кўчди.

Самарқанд

Кўҳна Самарқанднинг баҳори ўзгача келади. Мўйсафид миноораларнинг мовий гумбазлари кўклам қуёши нурларида жилоланиб, яшаради, яшнайди. Бу ажиб гўзалликка Кўҳак қирларидаги яшиллик, соҳибқирон Амир Темур боғу роғларидаги кўркамлик уйғунлашиб кетади. Одамлар қалбида эса Янги кун шукронаси.

Самарқандда 110 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти ўз миллий маданий марказларига эга. Ўзбеклар билан бир

қаторда арманию озарбайжон, русу татар, корейсу поляк — ҳамма-ҳаммаси Наврўз шодиёналарида иштирок этишмоқда, бу байрамни ўз байрамларидек нишонлашмоқда. Демак, бизнинг боқий Наврўзимиз миллатлар ўртасидаги тотувликнинг, дўстликнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилмоқда.

Ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғи ёшларнинг энг севимли гўшаси. Мана неча кундирки, боғ талабалар, ўқувчилар, меҳмонларни ўз бағриға олган. Институтлар, коллеж ва лицейлар, қолаверса, ташкилот, корхона ва муассасалар жамоалари шу ерда Наврўз тантаналарини ташкил этишган. Безатилган дастурхонларда баҳор таомлари. Эртадан кечга қадар ҳаваскор бадиий дасталар чиқишлари.

Бундай шодиёналар Регистон майдони, «Ёшлик» ва «Сўғдиёна» боғлари, барча маҳаллаларда давом этмоқда. Янгидан қад ростлаган иншоотлар очилиши эса катта тантанага айланмоқда.

Сирдарё

Бу айёмни ҳамма билади ва ҳамма кутади. Бироқ у ҳамиша одамларни ошириб қўяди. Бу ҳолат уларнинг кўзларидан сезилади. Кишиларнинг сўзларидан сезилади. Бу оширишга қизалоқлар сочидаги толпопуклар гувоҳликка ўтади. Дашту қирлардаги майсалар ана шу оширишга тилмочлик қилади.

Юртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Сирдарёда ҳам Наврўз руҳи баралла сезилиб турибди. Гулистон, Мирзаобод, Сардоба туманлари, шунингдек, Янгиер, Ширин шаҳарларида чўлқувварлар Наврўз байрамини зўр шодиё-

налик билан нишонладилар.

— Бу йилги Наврўз тантаналарининг аввалгиларидан фарқи бор, дейди меҳнат фахрийси Қодир Эралиев. — Эндиликда нутқлар, расмий тантаналар ўз ўрнини халқ сайлига бўшатиб берди. Хўроз уриштириш, чиллак отиш, аркон тортиш, улоқ-кўпкари, кураш, дор ўйинлари, масхарабозлик, ўлан ва лапарлар айтиш каби ўнлаб маросимлар, бу тантаналар халқ сайлига айланиб кетганлигини кўрсатади. Етмиш-саксон ёшли отахону онахонлардан тортиб ўн еттиўн саккиз ёшдаги йигит-қизларгача бўлган юртдошларимиз мана шундай удумлар том маънода тикланганидан далолат беради. Мен юқорида тилга олган удумлар халқнинг қалби ҳисобланади, юраги ҳисобланади. Қолаверса, улар ёш авлодни авлод-аждодларимиз анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Ўчоқ қазиган йигитлар яйради. Момолар ёнида сумалагу ҳалим пиширган келинчаклар яйради. Туни билан қозон атрофида шўх-шўх яллалар айтган жувонлар яйради.

Дастурхон кўркини таърифлашга бурро тиллар ожизлик қилади. Кўксомсаю кўкмантилар, чавати нону патирлар кўзни қувнатади. Наврўз тантаналаридан завқ олмаган, гашт қилмаган одам қолмади.

Наврўз ойномада расман бир кун деб аталгани билан кунларга уланади. У ҳафталарнинг қўлини тутади. У дилларни эркалашдан чарчамайди. Шу элга, шу юртга садоқат билан хизмат қилаётган одамларнинг ҳар куни Наврўзга айлангани рост бўлсин.

Сурхондарё

Олам саҳнини гулларга тўлдириб Наврўз келди!

Бойчечакка, миттигина сариқ гулга тақлид қилиб тўнглаб ётган чўнг тоғлар жилмайди.

Жилғалар шоша-пиша дарёларга эргаша кетди. Дарёларимизни обиҳаётга, тупроғимизни қут-баракага, боғларимизни тароватга, кўнгилларимизни шод-хуррамликларга тўлдириб Янги кун келди.

Наврўз Сурхондарё узра кезиб юрибди. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли битай деб қоляпти. Бу воҳага йирик-йирик инвестиция йўлларини очиб бермоқда. Бу хайрли давр гаштини одамлар тўйлар билан, кураш-кўпкари билан нишонламоқдалар. Олқишламоқдалар.

Термиздаги Алпомиш мажмуи амфитеатрида ҳам Наврўз тантаналари бўлиб ўтди. Тантанада вилоят ҳокими А. Эшмуротов воҳа аҳлини қадимий ва навқирон байрам билан табриклади.

Байрамда тандирларга исмалоқ сомса ёпилди. Сумалак бошида Наргиза қиз саксон яшар Ҳайитгул момоси қўлидан капгирни олди. Элнинг полвони бўламан деб кураш тўгаракларига қатнаб юрган Азимжон каттакон даврага чиқиб каттакон соврин ютди.

Наврўз руҳи томирларга ҳаётбахш, ҳузурбахш, умидбахш жилға бўлиб қуйилмоқда.

Тошкент

Пойтахт вилоятининг туман ва шаҳарларида Наврўз айёмига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Байрам Тошкент туманида ҳам зўр кўтаринкилик билан нишонланди. Ҳокимлик биноси олдидаги майдонда туман фаоллари, фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари бир пиёла чойга таклиф этилди. Бу ерда ташкил этилган савдо шохобчаларида сумалак, ҳалим каби Наруз таомла-

ри билан бирга, турли хил қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари савдоси ҳам уюштирилди.

Тадбирда сўзга чиққан фахрийлар ва оқсоқоллар тантана иштирокчиларини баҳор байрами билан табриклаб, Наврўзнинг тарихи, миллийлиги, меҳр-мурувват, саховат, уйғониш, гўзаллик байрами эканлиги тўғрисида гапирдилар. Шу куни кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 750 та оилага 7,5 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, вилоятнинг шаҳар ва туманларида Наврўз байрамига бағишланган тадбирларда "Саховат" акциялари уюштирилиб, унда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга сигир, бир неча ўн бошдан парранда туҳфа қилинмоқда. Ана шундай савобли ишлар Янгийўл, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарларида ва Янгийўл туманида ҳам бўлиб ўтди. Масалан, Олмалиқ шаҳрида 33 та оилага бир бошдан сигир берилди.

Шу билан бирга, Наврўз айёми арафасида бир неча корхоналар, ўқув муассасалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 1 миллиард 419 миллион сўм сарфланмоқда. Вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятга эга бўлган учта йўлнинг бўйларига 35 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Фарғона

Байрам куни Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасида ҳам тантаналар авжига чиқди. Бирламчи

қайта ишлаш ускуналари остида татар куйлари янграган бўлса, автосаройдаги қирғиз ўланлари тайёр маҳсулотни қуйиш цехида янграган тожик оҳангларига уланиб кетди.

Қўқондаги автотранспорт колледжидаги тантаналарда эса асосий эътибор узоқ йиллар шу ўқув даргоҳида меҳнат қилган фахрийларни эъзозлаш, қадрлаш ва сийлашга қаратилди.

— Ёшим тўқсон бешдан ошди, — деди Полина Черенцова. — Бир умр ўзбеклар ичида яшадим. Наврўз менинг ҳам суюкли байрамимдир. Давлатимиз раҳбари табригини телевидение орқали жон қулоғимиз билан эшитдик. Наврўз Фарғонада ҳам ҳар томонлама хосиятли, қутлуғ қадамлар билан бошланди.

Онахоннинг кўзларида порлаган миннатдорлик туйғулари Ғанижон Алиев, Ваҳобжон Маматқулов, Маҳмуджон Мухторов, Каримжон Мамажонов, Муҳаммаджон Машокиров сингари отахонларнинг нуроний чеҳраларида ҳам акс этди.

Наврўз вилоятнинг 900 дан зиёд маҳалла-қишлоқларида кенг нишонланди. Сўхликлар ҳаммани Лола сайлига чорлашди. Чимён, Хонқиз қир-адирлари бағри шодиёналарга тўлиб кетди.

Хоразм

Табиийки, ҳар бир байрам қилинган ишларнинг самараси ила файзли бўлади. Хоразмликлар воҳани боғу-роғларга буркаш, обод қилиш учун Наврўзолди умумхалқ ҳашарларида фаол иштирок этдилар. Барча маҳаллалар, қишлоқларда ободонлаштириш, кўча ва хиёбонларни тозалаш, кўчат ўтқазиш ишлари қизиб кетди. Ҳашар кунлари 6000 гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. 2 млн. тупга яқин манзарали, 300 минг тупдан ортиқ мевали ва 400 мингдан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди. Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз кенг нишонланди.

Гурлан туманидаги «Гурлан» акциядорлик жамияти фойдаланишга топширилди. Корхонани реконструкция қилишга 26 млн. АҚШ доллари сарфланди. Ушбу корхона 4,5 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш ҳамда 3,5 минг тонна ипкалавани, 3,2 минг тонна ранглангган трикотаж матони тайёрлаш ва шундан 12 млн. дона тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонада 1500 янги ишчи ўрни яратилди.

Жойларда байрам тадбирларини ўтказиш дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир манзилда бўлиб ўтадиган шодиёна учун алоҳида сценарийлар тайёрланган эди. Уларга кўра халқимизнинг урф-одатлари, анъана ва удумлари акс этган миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, сумалак сайиллари, таомлар кўрик-танловлари, тадбиркор ва ҳунармандлар кўргазмалари ташкил этилди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиш, байрам совғалари улашиш каби хайрия тадбирлари ўтказилди.

Қашқадарё

Қишлоқ ва маҳаллаларда баҳорнинг суюкли байрами — Наврўз тантаналари эрта бошланди. Сумалак

атрофидаги шодиёналар авжга чиқди, кўк сомса, ялпизли варақи дастурхонларни безади. Қўни-қўшнилар, дўст-биродарлар бир-бирларини янгиланиш, яшариш айёми билан қутладилар, беморлар, эҳтиёжманд оилалар совға-саломлар билан йўқланди. Бу савобли амаллар Наврўзнинг азалий анъаналари, халқимизнинг эзгу қадриятлари, Ижтимоий ҳимоя йилининг мақсадларига тўла ҳамоҳанг эди.

Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган байрам тантаналарида Наврўз қадриятлари ўз ифодасини топди. Вилоят маркази — Қарши шаҳридаги гўзал амфитеатрда бўлиб ўтган «Орзулар беланчаги сенсан, Наврўзим!» деб номланган катта байрам дастури эса бу шодиёналарнинг гултожи бўлди. Театрлаштирилган саҳна кўринишлари, санъат усталари ва ёш истеъдодлар ижросидаги куй-қўшиқларда баҳор, ёшлик, истиқлол ва истиқбол мадҳ этилди. Байрам дастури бунёдкорлик тимсоли — «Эл-юрт таянчи» монументининг рамзий ифодасини яратиш билан якунланди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

23 МАРТ — ПОКИСТОН МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ПОКИСТОН КУНИ

Шаҳбоз МАЛИК:

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

23 март куни Покистон Ислом Республикасининг миллий байрами – Покистон куни нишонланади. Ушбу санани Покистон халқи 1956 йилдан буён катта тантаналар билан ўтказади. Ҳар йили шу куни мамлакатда Покистон тарихига бағишланган анжуманлар, байрам тадбирлари ташкил қилинади.

— 23 март — мамлакатимиз тарихидаги энг муҳим саналардан, — деди ЎзА мухбирига **Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Муваққат ишлар вакили Шаҳбоз МАЛИК.** — 1956 йилдан ушбу сана расман байрам сифатида нишонлаб келинади. Айни пайтда мазкур сана Резолюция куни деб ҳам юритилади. Лаҳорда қабул қилинган резолюция шарафига Покистон мусулмонларининг орзу-интилишлари акс этган муаззам "Минори Покистон" ҳайкали барпо этилган.

Покистон билан Ўзбекистон ўртасида расмий дипломатик муносабатлар ўрнатилганига яқинда 15 йил тўлган бўлса-да, халқларимизнинг ўзаро алоқалари узоқ тарихга бориб тақалади. Бизни ягона дин, ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг анъана ва одатлар ҳам яқинлаштириб туради. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар мустаҳкам дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ривожлана бошлади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга, Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий манфаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликда кўплаб соҳаларда сезиларли ютуқларга эришди. Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил бўлмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида фаол иштирок этаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар қатори иқтисодий жабҳада ҳам йилдан-йилга ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртингизга қизиқишини тобора оширмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик сармоядорлар ҳамкорлигида ташкил этилган қирққа яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Classic International», қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Sani Paper and Packaging», тиббиёт ускуналари ва дори-дармон етказиб берувчи «Inter Globe» каби қўшма корхоналар шулар жумласидандир.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азизнинг шу йил 13-15 март кунлари Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи ҳам самарали бўлди. Ташриф чоғида Шавкат Азиз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийлари билан учрашди. Шу кунлари Тошкентда икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ташкил қилинди. Музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган қатор ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, келажакда Ўзбекистон билан Покистон ўртасида транспорт тизимини яхшилаш, банк соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида урғу берилди. Эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар келгусида икки томон учун ҳам манфаат келтиришига ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар кўплаб жабҳаларда янада тараққий этишига ишонч билдирилди.

Дарҳақиқат, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам ва ҳамкорлигимиз ёрқин истиқболга эга. Ўйлаймизки, Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги ҳамкорлик ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига таянган ҳолда бундан буён ҳам барча жабҳаларда ривожланиб бораверади.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Кузбассдаги «Ульяновская» шахтасида ҳалокат юз берди. Сўнгги хабарларга қараганда, ер тагида юз берган портлаш оқибатида 108 киши ҳалок бўлди. Айни пайтда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда. Воқеа юз берган пайтда шахтада 203 киши бўлган. Шахта яқин уч ой давомида яна қайта ишга туширилиши тахмин қилинмоқда.

Сомали пойтахтида жангарилар ва ҳукумат кучлари ўртасида қонли тўқнашувлар бўлиб ўтмоқда. Ҳукумат кучлари Эфиопия армияси кўмагида жангариларга қарши кураш олиб бораяпти. Ҳозирга қадар қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин норасмий манбаларга кўра, отишмалар чоғида 20 нафар киши ҳалок бўлган. Улар орасида эфиопиялик аскарлар ҳам бор.

Миср ҳукумати Россиянинг «Ил-86» самолётларини мамлакатга учишини тақиқлаши мумкин. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Ушбу масалада Россия Транспорт вазирлигининг фуқаро авиацияси департаменти директори Геннадий Лошеновга расмий мактуб йўлланган. Унда айтилишича, мазкур русумли самолётлар парвози Миср «Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш» конвенциясига мувофиқ тақиқланади.



Швеция полициясининг Форсмарк атом электростанциясида қаттиқ текширув ўтказмоқда. Бунга сабаб, номаълум шахс телефон орқали ҳуқуқ-тартибот идораларини станцияда бомба борлигидан огоҳлантирган. АЭС ишчилари станцияни тарк этишди. Бироқ бомба топилмади. Полиция вакили жиддий таҳдид йўқлигини таъкидлади.

Хитой ҳукумати аҳолининг жамғармалари асосида фаолият юритувчи хорижий банкларга мамлакатда бўлимларини очишга рухсат берди. Хитой дунёдаги энг жозибали бозор дея эътироф этилаяпти. Мазкур мамлакатда аҳолининг шахсий жамғармалари 2 триллион доллар деб баҳоланмоқда.



Биринчи хусусий космик ракетанинг илк парвози муваффақиятсиз якунланди. «Фалкон-1» деб номланувчи ушбу космик қурилма «Space Exploration Technologies» корпорациясига қарашли бўлиб, уни яратиш учун 6,7 миллион доллар сарфланганди. У орбитага яқинлашганда портлаб кетди. Уни учиришдан мақсад фазога Ер сунъий йўлдошини олиб чиқиш эди.

Франция президентлиги учун сайловларда қатнашадиган 12 номзоднинг исм-фамилияси расман эълон қилинди. Жак Ширак ушбу сайловларда «Халқ ҳаракати учун Иттифоқ» партияси номидан ўз номзодини қўйган мамлакат ички ишлар вазири Николя Саркозини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

МАГАЗИН-САЛОН
"Умный Дом"

◈ Учрежденческие и мини-АТС
◈ Системы видеонаблюдения
◈ Системы контроля доступа

Тел.: 138-9999, 137-2988 Факс 137-2977
www.setko.uz Товар сертифицирован

Маҳсулот сертификатланган

"SANAR MOTORS" MChJ

КИА МОТОРСнинг Ўзбекистондаги расмий вакили
ЯНГИ босқичга ўтинг!

KIA MOTORS
The Power to Surprise

Автосалон: Тошкент ш., Ҳ. Абдуллаев к., 54 «А», «Буюк Ипак йўли» метроси.
Тел.: +(99890) 323-25-66, 175-69-75, +(99871) 140-00-62, 140-00-61.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги, танлов муддати тугаган ва бўш (вакант) кафедра мудири, профессор-ўқитувчи лавозимларига шартнома асосида танлов эълон қилади:

ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, катта ўқитувчи.
ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, ўқитувчи — 2 та.
ШАРҚ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
профессор в.б., доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи — 5 та.
ҒАРБ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
катта ўқитувчи — 4 та.
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, катта ўқитувчи.
ИСЛОМ ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, катта ўқитувчи.
ДИНШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, катта ўқитувчи.
ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
катта ўқитувчи.
ЖАҲОН ДИНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири.
ИСЛОМШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири.
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
кафедра мудири, доцент.
ТАБИИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ БЎЙИЧА:
доцент в.б.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
- *ректор номига ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа ва таржимаи ҳол;*
- *олий маълумоти, илмий даража ва унвони ҳақидаги диплом, малака оширгани ҳақидаги гувоҳнома нусхалари;*
- *илмий ишлари рўйхати.*

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй.
Телефонлар: 144-00-91, 144-95-99.

ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сана — 2007 йил 22 март. **Ссуда № BMZ 2001 65 365.**

1. 2007 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (ЎМКҲТМ) томонидан 24 та касб-ҳунар коллежи учун ўқув қўлланмаларини нашр қилиш бўйича тендер эълон қилинган эди. Тендер иштирокчилари малака талабларидан ўтмаганлиги сабабли ушбу тендер ўтказилмади, деб топилди. Шу сабабдан 30 кун муддат билан янги тендер эълон қилинади.
2. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига Германия тараққиёт (Kreditanstalt fuer Wiederaufbau KfW) банки томонидан «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш учун 7,67 млн. евро миқдорида № BMZ2001 65 365 молиявий кўмак маблағлари ажратилган. Ушбу молиявий кўмак маблағларининг маълум қисми лойиҳа доирасида тузиладиган шартномаларни молиялаштириш учун мўлжалланган ва шу мақсадда мазкур тендер эълон қилинмоқда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (ЎМКҲТМ) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган фирмаларни 24 та касб-ҳунар коллежи учун ўқув қўлланмаларни нашр қилиш бўйича танлов таклифларини бериш учун таклиф этади.
4. Фуқаролигидан қатъи назар, ноширлик гувоҳномасига эга бўлган барча ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар тендерда ўз таклифлари билан иштирок этишлари мумкин.
5. Тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини ёзма сўров асосида қуйидаги манзилдан: 700100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 55-уй, ЎМКҲТМ, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи раҳбари А.Абдуллаев, +998 71-139-44-16 факси ёки askar-abd@mail.ru электрон почта орқали олиш мумкин.
6. Тендер таклифлари инглиз ва рус тилларида ЎМКҲТМнинг юқорида кўрсатилган манзилига 2007 йил 20 апрель куни соат 18.00 гача (Тошкент вақти билан) етказилиши шарт.

Тендер таклифлари ЎМКҲТМнинг юқорида кўрсатилган манзилида 2007 йил 23 апрель куни соат 15.00 да (Тошкент вақти билан) қатнашиш истагини билдирган тендер иштирокчилари вакиллари иштирокида очилади.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

402R/502

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган
«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН

замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"

Маҳсулот сертификатланган

ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бургулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Спорт



«Нефтчи» ва «Пахтакор» финалда учрашадими?

Агар юртдошларимиз Осиё чемпионлар лигасидаги иштирокини шу тахлитда давом эттиришса, улар финалда учрашишлари аниқ.

Ўтган куни «Пахтакор» сафарда «Кувайт» (Кувайт) жамоаси меҳмони бўлди. Александр Клецковнинг 69-дақиқада киритган тўпи Равшан Ҳайдаров шогирдларининг ғалабасини таъминлади. Ушбу муваффақиятдан сўнг «Пахтакор» гурухда пешқадамликни қўлга олди. Эслатиб ўтамиз, «Истиқлол» (Эрон) мусобақадан четлатилгач, гуруҳда учта жамоа қолганди. «Кувайт» ва «Ал-Ҳилол» жамоалари ҳисобида эса биттадан очко бор. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 11 апрель куни Тошкентда Саудия Арабистонининг «Ал-Ҳилол» жамоаси билан ўтказади.

Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ҳам Наврўз байрамига ажойиб совға ҳозирлади. Осиё чемпионлар лигаси «С» гуруҳида иштирок этаётган водийлик футболчилар ўз майдонида ўтган йилги финалчи «Ал-Карама» (Сурия) жамоаси билан баҳс юритдилар. Анвар Бердиев ва Носирбек Отақўзиев киритган голларга меҳмонлар ўйинчиси Фирас Исмаил (2:1) битта тўп билан жавоб қайтарди. Ушбу гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Аль-Садд» (Қатар) ўз майдонида «Ал-Нажаф» (Ироқ)га йирик ҳисобда (1:4) имкониятни бой берди.

Иккинчи турдан сўнг «Нефтчи» 6 очко билан гуруҳда карвонбошилик қилмоқда. «Ал-Нажаф» ва «Ал-Карама» жамоалари 3 тадан очко жамғаришган. Сўнгги ўринни эгаллаб турган «Ал-Садд»да ҳали бирорта ҳам очко йўқ.

«Нефтчи» 11 апрель куни бўладиган учинчи турда «Ал-Садд» (Қатар) жамоаси меҳмони бўлади.

Тошкентда Осиё чемпионати

Бугун пойтахтимиздаги «Саёҳат» меҳмонхонасида шашка бўйича йилнинг нуфузли турнирларидан бири — ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бошланади.

Унда Хитой, Япония, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Эрон, Мўғулистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби ўндан ортиқ мамлакатдан спортчиларнинг иштирок этиши кутилаяпти.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси бош соврин учун баҳс юритиши табиий. Чунки чемпионатда жаҳон ва қитъа биринчиликлари совриндорлари — Саидқосим Алиев, Нигина Бозорова, Анвар Омонов, Сайёра Йўлдошевалар юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Осиё чемпионати ўйинлари 31 март куни якунланади.

Пекин Олимпиадаси олдидан

Маълумки, байдарка ва каноэда эшкак эшиш мамлакатимизда энг ривожланган спорт турларидан ҳисобланади. Халқаро миқёсда ўтказиб келинадиган турнирларда спортчиларимиз пешқадамлар safida бормоқдалар. Ўтган йили Қатар пойтахти Дохада бўлиб ўтган XV Осиё ўйинларида ҳам вакилларимиз айнан шу спорт турлари бўйича энг кўп медалларни қўлга киритишди.

Миллий Олимпия қўмитасида Халқаро байдарка ва каноэ федерацияси президенти Ульрих Фелдхоф ҳамда федерациянинг техник директори Саба Занто иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Жаноб У. Фелдхоф мамлакатимиз спортчилари эришаётган ютуқларига юксак баҳо берар экан, бунинг замирида ҳукуматимиз томонидан спортни оммавий ривожлантиришга берилаётган эътибор ётганлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, учрашув давомида ўзбекистонлик спортчиларни Пекин Олимпиадасига тайёрлаш, байдарка ва каноэ спорт турини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар келгусида мамлакатимизда мазкур спорт турлари бўйича халқаро миқёсдаги мусобақаларни ташкиллаштириш бўйича ҳам музокаралар олиб бордилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қўнғироғингизни кутамиз

Эзгу тилак билан ғалабага ҳисса қўшинг

Хабарингиз бор, 14 апрель куни Германиянинг Штутгарт шаҳридаги «Порше-Арена» спорт мажмуасида профессионал боксчимиз Руслан Чагаев россиялик Николай Валуевга қарши чемпионлик жангида рингга кўтарилади.

Бу жанг тарихий бўлишини барчамиз юрагимиздан ҳис қилиб турибмиз. Чунки, Руслан Чагаев нафақат мамлакатимизда, балки Осиё қитъасида ҳам биринчи бўлиб профессионал бокснинг ўта оғир вазнида WBA (Бутунжаҳон бокс ассоциацияси) чемпионлик камари учун кураш олиб боради. Албатта, боксда майдонга тушувчининг жисмоний ҳолати муҳим. Айни пайтда унинг маънавий шайлиги ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Баъзан битта топиб айтилган ширин сўз ҳам спортчининг кучига -куч қўшади.

Тахририятимиз, шундан келиб чиқиб, сиз, азиз ишқибозларга мурожаат қиладик. Ҳал қилувчи жанг олдидан Русланга ғалабага ундовчи қандай тилак билдирган бўлардингиз. Энг таъсирли истаклар газета саҳифаларида чоп этилади ва тезкорлик билан Русланга етказилади.

Маълумот учун телефонлар: 133-09-85, 136-37-85 (факс).

Baltic Beverages Holding AB.

«SARBAST PLUS»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини

Наврўз байрами

билан муборакбод этади!

Кўкламнинг қадамлари ҳар бир оилага қувонч, тинчлик, тўкинлик ҳамда республиканинг гуллаб яшнаши учун янги имкониятлар олиб келаверсин.

«Sarbast Plus» қўшма корхонаси барчангизга саломатлик, омад ва бахт тилаб қолади.

SHOSH INVEST GROUP ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ
Срок поставки — март — июнь.
в партнерстве с компаниями «HYUNDAI» (Корея), ОАО «Промтрактор» (Россия), «SANY» (Китай), «Caterpillar» (США):

Экскаваторы «SANY»: объем ковша 0,39 — 1,5 м³ мощность 126 — 178 л.с.

Колесные мини-погрузчики: «HYUNDAI», «GMMC» объем ковша 0,37 — 1 м³ мощность 68 л.с.

Экскаваторы: «HYUNDAI», «Caterpillar» объем ковша 0,23 — 1,5 м³ мощность 115 — 178 л.с.

Экскаваторы: «HYUNDAI» объем ковша 0,23 — 1,5 м³ мощность 115 — 178 л.с.

Товар сертифицирован

1. 100% аккредитив в национальной валюте.
2. От 30% предоплата, оставшаяся сумма от 13 месяцев, — в лизинг.

ОПЛАТА — В СУМАХ.

100000, г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Афросиаб, 12-Б.
Тел. (+99871) 140-07-22. Тел./факс 120-3346. E-mail: shosh_invest@mail.ru

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси эълон қилади:

Лот №	Объект номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи	Қурилиш муддати
	ЛОТ-1-10:		
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги 41-мактабни жорий таъмирлаш	58 629 929 сўм	90 кун
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 50-мактабни жорий таъмирлаш	47 493 552 сўм	90 кун
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 55-мактабни жорий таъмирлаш	46 693 436 сўм	90 кун
Лот-4	Оқдарё туманидаги 15-мактабни жорий таъмирлаш	48 963 257 сўм	90 кун
Лот-5	Оқдарё туманидаги 22-мактабни жорий таъмирлаш	48 960 184 сўм	90 кун
Лот-6	Оқдарё туманидаги 39-мактабни жорий таъмирлаш	39 850 941 сўм	90 кун
Лот-7	Иштихон туманидаги 15-мактабни жорий таъмирлаш	40 302 864 сўм	90 кун
Лот-8	Тайлоқ туманидаги 41-мактабни жорий таъмирлаш	48 960 000 сўм	90 кун
Лот-9	Ургут туманидаги 103-мактабни жорий таъмирлаш	38 943 302 сўм	90 кун
Лот-10	Ургут туманидаги 114-мактабни жорий таъмирлаш	35 018 089 сўм	90 кун

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.
Буюртмачи манзили: Самарқанд ш., «Челак» к., 50-уй. Телефон: (8-3662) 33-60-40.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 2-«Г» корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдонида, соат 16.00 да, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

Российский линолеум
Обои виниловые
Форма оплаты — любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
303-38-77
факс 134-49-58

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон—Исроил қўшма корхонаси
Томчилаб суғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган Ўзбекистондаги ягона корхона.
Пахтазор, токзор, боғ, сабзавот ва иссиқхоналарнинг томчилаб суғориш тизимларини лойиҳалайди, материалларни етказиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларни етказади. Мутахассисларимиз экинларни суғориш ва ўғитлашда маслаҳатлар беради.
Буюртма қилсангиз, хизмат сифатига кафолат берамиз.
Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 700187, Тошкент ш., «Қорасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 65-18-56, 65-14-59.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшмасининг Хоразм вилояти бўлими раиси, «Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» газеталарининг бош муҳаррири

Юсуп ИБРАГИМОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавнефтгазинспекция» жамоаси инспекциянинг вилоят бўлими бошлиғи Абдуҳошим Муҳаммадиевга падари бузруквори

АБДУЖАЛИЛ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси тармоқлар иқтисодиёти кафедраси профессори Абдулатиф Абдуғаниевга акаси

Абдусамий АБДУҒАНИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 42233 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5